

2022 йил 12 декабр (Тендер)

“ТАСДИҚЛАЙМАН”



**Танлов комиссияси раиси,
Ўзбекистон Республикаси
ИИВ М ва МТТД бошлиғи
А.А. Абиджанов**

12 2022 йил

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирлиги Молия ва моддий техника таъминоти Департаменти томонидан моддий-товар бойликлари (хизматларни) сотиб олиш бўйича танлов комиссияси йиғилишининг

15 сонли

БАЁННОМАСИ

2022 йил “19” 12

Тошкент ш.

Қатнашдилар:

Ўзбекистон Республикаси Ички ишлар вазирининг 2021 йил 17 мартдаги 55-сон фармойиши билан тасдиқланган комиссия таркиби

Комиссия раиси:

А.А.Абиджанов Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи.

Комиссия аъзолари:

И.О.Абдурахмонов Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ бошлиғи;

Ш.О. Азим

Ўзбекистон Республикаси ИИВ Хўжалик бошқармаси бошлиғи;

М.Е.Утебаев

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МваМТТД ИАваТ бўлими бошлиғи

Ш.Ш.Курбанов

Ўзбекистон Республикаси ИИВ МИБ бошлиғининг ўринбосари;

Котиб:

Е.Ш.Егамбердиев Ўзбекистон Республикаси ИИВ МТТБ катта инспектори.

КУН ТАРТИБИ:

Ўзбекистон Республикаси ИИВ ЭКБМ ехтиёжи учун мўлжалланган 10 дона эндоскоп харид қилиш бўйича танлов савдоларини балл бериш усули орқали ғолиб корхонани аниқлаш.

Йиғилишни Танлов комиссияси раиси – Ўзбекистон Республикаси ИИВ М ва МТТД бошлиғи А.А.Абиджанов олиб борди.

Кун тартибига қўйилган масалалари юзасидан танлов комиссияси аъзолари томонидан муҳокама қилиниб бўлингандан сўнг, танлов комиссияси раисининг ўринбосари Н.Ш. Ходжаев сўзга чиқиб, танлов савдолари Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилишини таъкидлаб ўтди. ИИВ ЭКБМ ехтиёжи учун мўлжалланган 10 дона эндоскоп харид қилиш бўйича, Ўзбекистон Республикасининг 2021 йил 22 апрел кундаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни асосида узех.тендер веб-сайтига 2022 йил 7 декабр куни №206872-сонли лот рақами билан балл бериш

орқали ғолибни аниқлаш бўйича еълон жойлаштрилиганлиги бўйича комиссия аъзоларига ахборот берди.


Шундан сўнг, “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонуни талаблари бўйича қўйилган талаблар “**MINICAM SUPER SECURITY**”, “**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР**” **ООО “MINICAM”** ва **ООО “BITECH TRADING”** корхоналари томонидан кўриб чиқилди ва эндоскопга қўйилган талаблардан фақат **ООО “BITECH TRADING” (96 бал)** корхонаси томонидан тўлиқ электрон тарзда кўрсатиб ўтилганлиги ва бошқа корхоналардан “**MINICAM SUPER SECURITY**” (88), “**ЯККА ТАРТИБДАГИ ТАДБИРКОР**” (78.88889) ва **ООО “MINICAM”** (74.88889) лардан (мувафакцияқиз иштирок) юқори бал тўплаганлиги инобатга олиб, 2021 йил 22 апрелидаги “Ўзбекистон Республикаси Давлат харидлари тўғрисида”ги ЎРҚ-684-сон Қонун талаблари асосида ўтказилган деб ҳисоблансин ҳамда Ўзбекистон Республикаси ИИБ ЭКБМ ехтиёжи учун мўлжалланган 10 дона эндоскоп харид қилиш бўйича **ООО “BITECH TRADING”** корхонаси ғолиб деб топилсин ҳамда “**MINICAM SUPER SECURITY**” корхонаси захира сифати олинсин.

1. Ўрнатилган тартибда танлов ғолиби билан шартнома тузилсин.
2. Танлов савдолари ғолиби ва Ўзбекистон Республикаси ИИБ Молия ва МТТ Департаменти ўртасида имзоланган шартнома ўрнатилган тартибда Молия вазирлиги Ҳазначилигидан рўйхатдан ўтказиш учун юборилсин.

Ҳарид комиссияси аъзоларининг имзолари:

Комиссия аъзолари:

ИИБ МТТБ бошлиғи



И.О.Абдурахмонов

**ИИБ Хўжалик бошқармаси
бошлиғи**



Ш.О.Азим

**ИИБ МваМТТД ИАваТ бўлими
бошлиғи**



М.Е.Утебаев

**ИИБ МИБ бошлиғининг
ўринбосари**



Ш.Ш.Курбанов

котиб:

ИИБ МТББ катта инспектори



Е.Ш.Егамбердиев

«19» 12

№09/12 - СОНЛИ МАХСУЛОТ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ШАРТНОМАСИ

2022 йил

Тошкент ш.

Бундан буён матнда «Ижрочи» деб номланувчи, "Bitech Trading" МЧЖ раҳбари Жумабаев С.Б., бир томондан, бундан буён матнда «Буюртмачи» деб номланувчи ЎзРес ШИВ И ва МТД раҳбари мзон иккинчи томондан қуйидагилар тўғрисида ушбу шартномани туздилар.

1. ШАРТНОМАНИНГ МАЗМУНИ

1.1. Мазкур шартнома буйича «Ижрочи» шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган тасдиқланган калькуляциясига мувофиқ маҳсулотни «Буюртмачи»га мулк қилиб топшириш мажбуриятини, «Буюртмачи» эса маҳсулотларни ўз вақтида қабул қилиши ва қабул қилиб олган маҳсулот учун шартномага мувофиқ ҳақ тўлаш мажбуриятини олади.
1.2. Мазкур шартнома буйича топшириладиган маҳсулотлар рўйхати:

№	Маҳсулот номи	Ўлчов бирлиги	Сони	Нархи	Қиймати
1	Видеоэндоскоп технический	тўплам	10	8 500 000	85 000 000
Жами:					85 000 000,00

2. ШАРТНОМА ҚИЙМАТИ ВА ҲИСОБ-КИТОБ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

2.1. Шартноманинг умумий суммаси: **85 000 000 (Саксон беш миллион)** сўм ҚҚС билан ташкил этади.

2.2. «Буюртмачи», шартномани Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтгандан кейин 5 (беш) банк кун муддатда етказиб бериладиган маҳсулот учун 30% олдидан тўловни амалга оширади, қолган 70 % тўловни маҳсулот етказиб берилганидан сўнг ҳисоб фактурасига асосан 5 (беш) банк кун ичида тўлаб берилади.

2.3. «Ижрочи» шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулотларни «Буюртмачи»га шартнома имзоланиб тўловлар амалга оширилгандан кейин шартноманинг 4.2-бандида кўрсатилган муддат ичида топшириши шарт.

2.4. Етказиб бериладиган маҳсулот учун ҳисоб-китоблар пул ўтказиши ёки нақд пул тўлаш орқали амалга оширилади.

3. МАХСУЛОТНИ ЕТКАЗИБ БЕРИШ ВА ҚАБУЛ ҚИЛИШ ТАРТИБИ

3.1. «Ижрочи» ҳисоб-рақамига пул келиб тушгач, «Буюртмачи»га шартномада келишилган маҳсулотни етказиб беради.

3.2. «Ижрочи» маҳсулот ва унга сарф бўлган ҳаражатларни ўз ҳисобидан тўлаш мажбуриятини зиммасига олади.

3.3. «Ижрочи» томонининг ишончли вакили, ишончномага асосан маҳсулотни сифатини текшириб олади.

3.4. Маҳсулотни кўрсатилган манзилга «Буюртмачи»нинг ишончли вакили томонидан етказиб бориш давомида маҳсулотга етказилган зарар учун «Ижрочи» жавобгар бўлмайди ва қайтариб олиб келинган маҳсулотни қабул қилмайди.

4. ТОМОНЛАРНИНГ МАЖБУРИЯТЛАРИ

4.1. «Ижрочи» етказиб бериладиган маҳсулот сифатини, миқдорини, бажариб бериш муддатини кафолатлайди.

4.2. «Буюртмачи» нинг буюртмасига асосан, буюртманинг миқдорига қараб етказиб бериладиган маҳсулот учун шартнома имзолаб, шартномага асосан буюртма берилган маҳсулот учун 30% олдидан тўловни амалга оширгандан кейин «Ижрочи» 30 кунгача бўлган вақт оралигида етказиб беради ва «Буюртмачи» қолган 70 % тўловни маҳсулот етказиб берилганидан сўнг ҳисоб фактурасига асосан 5 (беш) банк кун ичида тўлаб беради.

4.3. «Буюртмачи» шартномада кўрсатилган маҳсулот сифатини, миқдорини ва бажариб бериш муддатини текшириб олади.

4.4. «Буюртмачи» маҳсулотни қабул қилиб олади ва шартномада белгиланган маблағни кўрсатилган муддатда тўлиқ тўланишини кафолатлайди.

5. ТАРАФЛАРНИНГ ЖАВОБГАРЛИГИ

5.1. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг кечиктирилган ҳар бир кун учун «Ижрочи» бажариб берилмаган ишнинг қийматининг 0,5% миқдорида «Буюртмачи»га пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси бажарилмаган хизмат қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.2. Етказиб бериладиган маҳсулотнинг қийматини тўлаш давомида сунъий тусиқлар билан бажариладиган ишни кечиктириладиган ҳар бир кун учун «Буюртмачи» «Ижрочи»га 0,5% миқдорида пеня тўлайди, бироқ пенянинг умумий суммаси маҳсулот қийматининг 50% дан ортиқ бўлмаслиги керак.

5.3. Пеня ва жарималарни тўлаш тарафларни шартномада кўрсатилган мажбуриятларни бажаришдан озод қилмайди.

6. ШАРТНОМАНИНГ БАЖАРИЛИШИ

6.1. Шартнома шартлари қонун ҳужжатлари талабларига мувофиқ бажарилиши керак. Агар томонлар ўз зиммаларига қабул қилинган барча мажбуриятларни бажарган тақдирда, шартнома бажарилган деб ҳисобланади.

6.2. Шартнома бажарилишини бир томонлама рад этишига ёки шартнома шартларини бир томонлама ўзгартиришига йўл қўйилмайди, қонун ҳужжатларида белгиланган ҳоллар бундан мустасно.

6.3. Тарафлар ўртасидаги мазкур шартнома билан тартибга солинмаган муносабатлар Ўзбекистон Республикасининг Фуқорolik кодекси, Ўзбекистон Республикасининг 29.08.1998 йилдаги "Хўжалик юритувчи субъектлар фаолиятининг шартномавий-ҳуқуқий базаси тўғрисида"ги Қонуни ва бошқа ҳужжатлар билан тартибга солинади.

7. НИЗОЛАРНИ ҲАЛ ЭТИШ ТАРТИБИ

7.1. Шартнома шартлари бўйича келиб чиққан баҳс ва келишмовчиликлар ўзаро келишув асосида ҳал этилади. Мазкур баҳс ва келишмовчиликлар ўзаро ҳал этилмаса, Ўзбекистон Республикаси Иқтисодий суди орқали кўриб чиқилади.

8. ШАРТНОМАГА ЎЗГАРТИРИШ ВА ҚЎШИМЧАЛАР КИРИТИШ

8.1. Мазкур шартномага киритилган ўзгартириш ва қўшимчалар тарафлар томонидан ёзма равишда тузилиб, имзо қўйилгач юридик кучга эга бўлади.

8.2. Мазкур шартнома 10 кун ичида имзоланмай қолганда ва шу даврда кўрсатиладиган хизмат учун сарф қилинадиган маҳсулотлар нархи ошган тақдирда, шартноманинг 1.2-бандида кўрсатилган маҳсулот нархлари ўзгариши мумкин.

8.3. Шартномада кўрсатилган маҳсулотнинг суммаси ёки бирон бир бандини ўзгартириш керак бўлса, томонлар олдиндан бир-бирларини 10 кун олдин огоҳлантириб, ўзаро келишув асосида ўзгартириши мумкин.

8.4. «Буюртмачи» томонидан шартнома тузиш юзасидан тақдим этилган барча ҳужжатлар ва маълумотлар ҳаққоний ва тўғрилигига кафолат бериш мажбуриятини олади.

9. КОРРУПЦИЯГА ҚАРШИ ТАЛАБЛАР

9.1. Ушбу шартноманинг ҳар бир тарафлари бир-бирига нисбатан амалдаги коррупцияга қарши курашиш талаблари, шу жумладан, бу билан чекланиб қолмасдан, барча амалдаги қонун ва қоидаларга оид шартларни ва талабларни тадбиқ этилишини ифодалайди ва кафолатлайди.

9.2. "Буюртмачи" "Ижрочи"га мазкур шартнома доирасида қўйидагиларни кафолатлайди ва қўйидаги мажбуриятларни ҳам ўз зиммасига олади. Шартноманинг амал қилиш давомида у (шунингдек, унинг ходимлари, директорлари, агентлари ва бошқа вакиллари), "Буюртмачи" манфаатлари учун агент ёки вакил сифатида ҳаракат қилиб, "Ижрочи"нинг коррупцияга қарши амалдаги талабларига ва Ўзбекистон Республикасининг барча қонун ва қоидаларига қатъий риоя қилади.

9.3. Агар тарафларда бири ушбу банд қоидаларини бузса, иккинчи томон шартномани бекор қилиш тўғрисида хабарнома юбориш орқали шартномани бир томонлама бекор қилишига ҳақли.

10. ФОРС-МАЖОР ВА ЖАВОБГАРЛИҚДАН ОЗОД ЭТИШ

10.1. Тарафлардан бири шартномани форс-мажор ҳолатлари, яъни енгиб бўлмас кучлар ёки шартномани бажариш муддати мобайнида янги қонун ҳужжати қабул қилинганлиги туфайли бажармаган ёки лозим даражада бажармаганлиги исботласа, жавобгар бўлмайди.


10.2. Ушбу шартнома шартларини бажаришига тўсқинлик қилувчи форс-мажор ҳолатларнинг бошланиши ва тугаши тўғрисида томонлар зудлик билан бир-бирларини ёзма равишда хабардор қилишлари шарт. Агар тарафларда бири ушбу банд қоидаларини бузса, иккинчи томон шартномани бекор қилиш тўғрисида хабарнома юбориш орқали шартномани бир томонлама бекор қилишига ҳақли.

11. ШАРТНОМАНИНГ АМАЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ

11.1. Шартнома икки нусхада тузилади, иккиси ҳам бир хил юридик кучга эга бўлиб томонларда бир нусхадан сақланади.

11.2. Шартнома Ўзбекистон Республикаси Молия Вазирлиги Фазначилигидан рўйхатдан ўтган кундан бошлаб кучга киради ҳамда 2022 йил 31 декабрь кунига қадар амал қилади.

12. ТОМОНЛАРНИНГ ЮРИДИК МАНЗИЛЛАРИ ВА БАНК РЕКВИЗИТЛАРИ

«БҮЮРТМАЧИ»	«ИЖРОЧИ»
Ўзбекистон Республикаси Ichki Ishlar Vazirligi ShG'IV: 4010 1086 0262 8770 3110 1179 005	"BITECH TRADING" МЧЖ
Манзил: INN: 200 637 696 ОКОНХ: 97399	Манзил: Тошкент шаҳар, Сергели тумани, O'ZAR, 65. 35
X/р: Тошкент ш. Yu.Rafabiy-1, O'zR Moliya vazirligi G'aznachiligi	X/р: 20208000705299157001
Банк: H/Г: 2340 2000 3001 0000 1010	Банк: ТОШКЕНТ Ш.. АТ ХАЛҚ БАНКИ МИРЗО УЛУГБЕК ФИЛИАЛИ
ИНН: МВ Toshkent sh. BV ХККМ MFO: 00014 INN: 201 122 919	ИНН: 307869234 МФО: 00822
ОКЭД:	ОКЭД 46490
 	 Кархона раҳбари: Жумабоев С.Б. 

